


**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи ярмида
тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори**

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 3.1-банди ҳамда Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2026 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 2.1-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, Олий суднинг 2025 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, судлов ҳайъатига қолдиқ билан бирга ҳисобот даврида жами **2142** та тафтиш тартибидаги шикоят (протест) келиб тушган. Шундан **652** та шикоят қайтарилган, **117** тасини қабул қилиш рад қилинган, **470** тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, **903** таси судлов ҳайъатига ўтказилган. Ҳисобот даврининг охирида қолдиқ шикоятлар сони **254** тани ташкил этади.



Судлов ҳайъати томонидан жами **649** та тафтиш тартибидаги шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шундан **342** таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз

қолдирилган, **50** таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган, **237** таси бекор қилинган, **4** та шикоят кўрмасдан қолдирилган, **16** та шикоят бўйича иш юритиш тугатилган. Ҳисобот даврининг охирида қолдиқ ишлар сони **108** тани ташкил этган.


237 та бекор қилинган суд ҳужжатларининг **42** таси қуйи инстанция судларига янгидан кўриш учун юборилган, **181** таси бўйича янги қарор қабул қилинган, **11** таси бўйича иш юритиш тугатилган, **3** таси бўйича ариза кўрмасдан қолдирилган.



Ушбу статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Кўриб чиқилган **649** та шикоятнинг **176** таси Тошкент шаҳри, **107** таси Қашқадарё, **57** таси Бухоро, **56** таси Тошкент вилояти, **47** таси Самарқанд, **41** таси Сурхондарё, **29** таси Андижон, **28** таси Хоразм, **27** таси Фарғона, **20** таси Сирдарё, **18** таси Жиззах, **16** таси Наманган, **10** таси Навоий вилоятига ва **17** таси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

КЎРИЛГАН ИШЛАРНИНГ ХУДУДЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛИ



Ишларни биринчи, апелляция ёки кассация, тафтиш инстанцияси судларида кўришда айрим ҳолларда моддий (қўлланилиши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатининг қўлланилмаганлиги, қонунчилик ҳужжатининг нотўғри қўлланилганлиги) ва процессуал (билдирилган талаб бўйича қарор қабул қилинмаганлиги, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги) ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли Олий суд тафтиш инстанцияси томонидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Олий суд тафтиш инстанцияси суди томонидан суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш кўрсаткичлари ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳрининг **97** та, Тошкент вилоятининг **29** та, Қашқадарёнинг **28** та, Самарқанднинг **18** та, Сурхондарёнинг **17** та, Хоразм ва Бухоронинг **16** тадан, Сирдарёнинг **12** та, Жиззах ва Наманганнинг **11** тадан, Фарғонанинг **10** та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижоннинг **8** тадан, Навоийнинг **6** та ишлари бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинганлигини кузатиш мумкин.

Суд амалиёти обзори натижалари **Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд вилоятлари** ҳамда ушбу ҳудудлардаги туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари томонидан биринчи, апелляция ёки кассация, тафтиш инстанцияси сифатида ишларни кўришда айрим ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда **ФК** деб юритилади), ИПК ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг нотўғри қўлланилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди

ҳамда Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик натижасида йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Қонунчиликка кўра, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим, қарори, шунингдек апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарори устидан Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

МЧЖ ЯТТга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, бинони жавобгар ҳисобидан мажбурий тартибда буздиритишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2025 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган. Жавобгар зиммасига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг 20 кун муддатда бинони ўз ҳисобидан бузиш мажбурияти юклатилган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўришга ўтилиб, фуқаро А.Б. ва ҳокимлик низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан ер майдони фуқароға ажратилганлиги, қурилиш ишлари ҳам фуқаро томонидан амалға оширилганлиги, бу ҳолат биринчи инстанция судининг эътиборидан четда қолганлиги асос қилиниб, 2025 йил 29 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2025 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш материалларини тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судға юборилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 3 сентябрдаги қарори билан апелляция инстанциясининг 2025 йил 29 майдаги қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг 2025 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 307-моддасининг биринчи қисмиға кўра, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларининг қонуний кучға кирган ҳал қилув қарори,

ажрими, қарори, шунингдек апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарори устидан Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Мазкур ҳолатда иш апелляция инстанцияси судида мазмунан кўрилмаган бўлсада, вилоят суди тафтиш инстанцияси ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириб, процессуал хатоликка йўл қўйган.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 18 ноябрдаги қарори билан апелляция инстанциясининг 2025 йил 29 майдаги қарори ҳамда тафтиш инстанциясининг 2025 йил 3 сентябрдаги қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

4-1601-2504/2023-сонли иш

**Қорақалпоғистон Республикаси судига,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига
тафтиш тартибидаги шикоят (протест)
бериш муддати кассация инстанцияси
суди томонидан қарор қабул
қилингунига қадар ўтган бўлса, тафтиш
тартибдаги шикоят (протест) кассация
инстанцияси суди қарор қабул қилган
кундан эътиборан уч ой ичида
берилганда муддат ўтиб кетганлиги
асоси билан шикоят (протест) бўйича
иш юритишни тугатишга йўл
қўйилмайди.**

Туман прокуратураси ҳокимлик манфаатида фермер хўжалигига (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш ва жавобгарни ер майдонидан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 26 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2025 йил 15 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2024 йил 26 февралдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 12 августдаги ажрими билан жавобгар тафтиш тартибидаги шикоятни қонунда белгиланган шикоят бериш муддати ўтганидан кейин берганлиги ва уни тиклаш ҳақидаги илтимосномаси мавжуд эмаслиги, шикоят тафтиш инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинганлиги асоси билан жавобгарнинг тафтиш тартибидаги шикояти бўйича иш юритиш тугатилган.

ИПК 310-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмига кўра, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилингунига қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибдаги шикоят (протест) кассация инстанцияси суди қарор қабул қилган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Аниқланишича, жавобгар кассация инстанциясининг 2025 йил 15 майдаги қарори устидан тафтиш тартибидаги шикоят билан судга 2025 йил 8 июлда мурожаат қилиб, суд ҳужжатларини бекор қилишни сўраган.

Мазкур ҳолатда, тафтиш тартибида шикоят бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилингунига қадар ўтган. Шунга кўра, тафтиш тартибдаги шикоят бериш учун процессуал муддат кассация инстанцияси суди қарор қабул қилган кундан эътиборан ҳисобланиши лозим бўлган. Бу муддат эса уч ойни ташкил қилади.

Демак, жавобгар тафтиш тартибидаги шикоятни кассация инстанцияси судининг қарори қабул қилингандан сўнг қонунда белгиланган уч ойлик процессуал муддат ичида берган бўлиб, бунда процессуал муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома берилиши талаб этилмасада, бироқ, вилоят судининг тафтиш инстанцияси жавобгар тафтиш тартибидаги шикоятни қонунда белгиланган шикоят бериш муддати ўтганидан кейин берганлиги ва уни тиклаш ҳақидаги илтимосномаси мавжуд эмаслигини асос қилиб, шикоят бўйича юритишни ИПК 324²-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан нотўғри тугатган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 23 декабрдаги қарори билан тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 12 августдаги ажрими бекор қилиниб, иш кўриш учун тафтиш инстанцияси судига юборилган.

4-1104-2401/50-сонли иш

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция ёхуд тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Хусусий корхона (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖдан 197 340 000 сўм асосий қарз ва 98 670 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2022 йил 4 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 12 январдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 7 мартдаги қарори билан ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 5 ноябрдаги ажрими билан жавобгарнинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг 2025 йил 9 январдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2024 йил 5 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, жавобгарнинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқиш учун апелляция инстанциясига юборилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2025 йил 11 февралдаги ажрими билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 22 майдаги қарори билан апелляция инстанциясининг 2025 йил 11 февралдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

ИПК 19-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция ёхуд тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Мазкур ҳолатда аризани апелляция инстанциясида кўриб чиқишда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилган.

Жумладан, иш кассация инстанциясида раислик этувчи ва маърузачи бўлган судья апелляция инстанциясида ҳам иштирок этган.

ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 1-бандига кўра, суд томонидан ишнинг қонунга ҳилоф таркибда кўрилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 23 декабрдаги қарори билан апелляция инстанциясининг 2025 йил 11 февралдаги ажрими ва тафтиш инстанциясининг 2025 йил 22 майдаги қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги қарор қабул қилинган.

Билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Электр тармоқлари корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, давлат муассасаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 481 019 205 сўм қарздорлик, 179 188 228 сўм пеня, жами 660 207 433 сўм қарздорликни ундиришни сўраган.

Шунингдек, даъвогар ишни биринчи инстанция судида кўриш давомида даъво аризасига қўшимча билан мурожаат қилиб, жавобгардан 389 809 800 сўм зарар, етказиб берилган электр энергияси бўйича 127 165 134 сўм қарз, 179 188 228 сўм пеня, жами 696 163 162 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2025 йил 16 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 349 019 205 сўм асосий қарз ва 10 000 000 сўм пеня ундирилиши белгиланган. Даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2025 йил 8 июлдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 3 сентябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2025 йил 16 майдаги ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг 2025 йил 8 июлдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 6-бандига кўра, билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Суднинг ажрими билан даъвогарнинг қўшимча аризасида билдирилган 389 809 800 сўм зарар, етказиб берилган электр энергияси бўйича 127 165 134 сўм қарз, 179 188 228 сўм пеня ундириш тўғрисидаги талаблари иш юритишга қабул қилинган бўлсада, даъвонинг етказиб берилган электр энергияси бўйича 127 165 134 сўм қарзни ундириш талаби муҳокама қилинмаган ва ушбу талаб бўйича қарор қабул қилинмаган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 17 декабрдаги қарори билан апелляция инстанциясининг 2025 йил 8 июлдаги ҳамда тафтиш инстанциясининг 2025 йил 3 сентябрдаги қарорлари бекор қилиниб, иш кўриб чиқиш учун апелляция инстанциясига юборилган.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Хусусий акциядорлик тижорат банки тугатиш бошқарувчиси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) “Textile lux” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, гаров шартномасининг 4.4.9-бандида гаров таъминоти даъвогарнинг кредит қўмитаси қарори билан шартномага қўшимча келишув тузиш орқали алмаштирилиши назарда тутилганлиги, бироқ, банкнинг амалиёт бошқармаси раҳбари шартнома шартини бузиб даъвогарнинг республика кредит қўмитаси ёзма розилигини олмасдан кредит шартномасига 2020 йил 16 мартда 1-сонли қўшимча келишувни имзолаб, гаровдаги кўчмас мулкни суғурта полисига алмаштирганлигини асос қилиб, ушбу келишувни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 126-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 6 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2024 йил 17 октябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво муддати қўлланилиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 23 январдаги қарори билан кассация инстанциясининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, гаровдаги кўчмас мулк қўшимча келишувга асосан гаровдан чиқарилгандан сўнг унинг бир қисми фуқаро Ю.С.га, бир қисми қисми МЧЖга ва яна бир қисми эса фуқаро Ю.Р.га сотилган бўлиб, қўшимча келишувнинг ҳақиқий эмас деб топилиши мулкка нисбатан бўлган ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига бевосита таъсир этсада, судлар уларни ишга жалб этмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида қарори қабул қилинган.

ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 3-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси баён этилганларни инобатга олиб, кассация ва тафтиш инстанциясининг қарорларини бекор қилиб, иш кўриб чиқиш учун кассация инстанциясига юборилган.

Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари бир маротаба қўпол равишда бузилганда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бекор қилиниши мумкин.

Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, унга берилган лицензияни бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 30 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза талабини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг 2025 йил 6 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 6 мартдаги қарори билан кассация инстанциясининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аризачининг ходимлари томонидан жавобгарга қарашли автомобилларга газ қуйиш шохобчасида текшириш ўтказилган.

Текширишда жавобгарга тегишли бўлган СТГ-БК 80/160 русумли газни ҳисобга олиш ускунасига ўрнатилган тамға узилганлиги аниқланиб, табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келиниши оқибатида газ таъминоти корхонасига 57 376 000 сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқланган.

Шу сабабли аризачи “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 33-моддасига асосланган ҳолда жавобгарга нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, лицензияни бекор қилишни сўраган.

Қонуннинг ушбу нормасига кўра, лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарлик фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилишига, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солинишига олиб келган бўлса, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бекор қилинади. Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг бекор қилинишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларнинг рўйхати фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-

таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги ягона Низом 25-иловасининг 9-бандида эса, лицензия талаблари ва шартлари белгиланган бўлиб, ушбу банднинг “к”-кичик бандида нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш (шу жумладан, охирги истеъмолчигача сотиш) бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик – шахс – лицензиатлар томонидан умумий фойдаланишдаги газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш, шунингдек, ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга лицензиат томонидан рухсатсиз аралашиш кўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар ҳисобланиши қайд этилган.

Аниқланишича, жавобгар ва газ таъминоти корхонаси ўртасида табиий газ истеъмоли юзасидан иккита шартнома тузилган ва алоҳида газ ҳисоблагич ускунаси ўрнатилган бўлиб, шундан, бири жавобгарнинг шахсий эҳтиёжлари учун, иккинчиси эса, жавобгарга тегишли автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси фаолиятида фойдаланиш учун назарда тутилган.

Мазкур ҳолатда, кассация ва тафтиш инстанцияси судлари назорат қилувчи орган томонидан аниқланган қоидабузарлик жавобгарнинг шахсий эҳтиёжларида фойдаланиш учун ўрнатилган газ ҳисоблагич ускунасида аниқланганлигига, шунга кўра, лицензия талаблари ва шартлари бузилмаганлигига аҳамият бермасдан, моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаб, қарорлар қабул қилган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 12 ноябрдаги қарори билан кассация инстанциясининг 2025 йил 6 февралдаги қарори ҳамда тафтиш инстанциясининг 2025 йил 6 мартдаги қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг 2024 йил 30 апрелдаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

4-1105-2301/2734-сонли иш

Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Савдо-саноат Палатаси сув таъминоти корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 390 613 108 сўм асосий қарз, 78 122 621 сўм пеня, жами 468 735 729 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 1 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 390 613 108 сўм асосий қарз ундирилиши белгиланган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2025 йил 22 январдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 6 мартдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2024 йил 1 ноябрдаги ҳал қилув қарори, апелляция инстанциясининг 2025 йил 22 январдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, 2024 йил 13 апрелда даъвогарнинг вакиллари томонидан жавобгарнинг сувдан фойдаланиши ҳолати ўрганилганда, носоз сув ўлчагич асбоби орқали сувдан фойдаланиб келганлиги ҳолати аниқланиб, даъвогар томонидан формула асосида жавобгарга жами 412 205 248 сўм қарздорлик ва шартноманинг 7.7-бандига асосан 78 122 621 сўм пеня ҳисобланган.

Даъвогарнинг вакиллари томонидан 2024 йил 20 майда тузилган далолатномага кўра, истеъмолчининг 2024 йил 13 майдаги мурожаатига асосан ҳолат комиссия кўздан кечирилганда, сувни ҳисобга олиш асбоби нотўғри яъни, тескари ўрнатилганлиги ва циферблат кўрсаткичининг орқага айланаётганлиги аниқланган.

Даъвогар вакилининг суд мажлисида берган тушунтиришида сувни ҳисобга олиш асбобини ким ўрнатганлигини билмаслигини, бироқ, ундаги тамға даъвогарга тегишли эканлигини, шунга биноан бу ҳолат ҳисоблагич даъвогар томонидан қабул қилиб олинганлигидан далолат беришини маълум қилган.

Бундан кўринадики, сувни ҳисобга олиш асбобининг носоз бўлиб қолишига жавобгарнинг айби аниқланмаган. Аксинча, даъвогар сувни ҳисобга олиш асбобини қабул қилишда ёки Қоидалар талабларига биноан ҳар уч ойда кўздан кечириш жараёнида ушбу камчиликни аниқлаши лозим бўлган.

Сувни ҳисобга олиш асбобининг ишлаб чиқарувчисининг 2025 йил 27 октябрдаги хатида агар сувни ҳисобга олиш асбоби нотўғри, яъни сувнинг оқимида тескари ўрнатилганда, бу асбоб кўрсаткичларининг нотўғри

кўрсатилишига, ўлчаш аниқлигининг пасайишига, алоҳида ҳолларда эса, асбобнинг носозлигига олиб келиши мумкинлиги қайд этилган.

ФК 333-моддасининг биринчи қисмига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Бироқ, судлар ушбу ҳолатда жавобгарнинг айби бор ёки йўқлигини аниқламасдан, жавобгарнинг важларига баҳо бермасдан, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, қарорлар қабул қилган.

Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2025 йил 28 октябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

4-1001-2403/86045-сонли иш

Мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга банкка (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида гаровга қўйилган ҳисобланган кўп қаватли турар-жой бино ва иншоотларини гаровдан чиқариб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2025 йил 13 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2025 йил 4 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 12 августдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида тузилган дастлабки олди-сотди шартномасига асосан кўп қаватли қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар даъвогарга сотилган.

Мазкур шартноманинг 2.1.2 ва 5.1-бандларига биноан, даъвогар томонидан бино-иншоотлар учун учинчи шахс (қарздор)нинг ҳисоб рақамига 3 000 000 000 сўм маблағи ўтказиб берилганидан сўнг жавобгар тақиққа олинган юқорида қайд этилган қурилиши тугалланмаган бино-иншоотларни гаровдан чиқариб бериш мажбуриятини олган.

Дастлабки шартноманинг 4.1-бандида қурилиши тугалланмаган бино-иншоотнинг қийматини тўлаш банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилган.

Шунга кўра, даъвогар банкдан кредит олиб, тўлов топшириқномасига асосан учинчи шахс (қарздор)нинг ҳисоб рақамига 3 000 000 000 сўм маблағ ўтказиб берган.

Шундан сўнг, учинчи шахс (қарздор)нинг кредит қарздорлиги қисман сўндирилганлиги сабабли жавобгар кўп қаватли қурилиши тугалланмаган бино-иншоотларга қўйилган таққни бекор қилиш мумкинлиги ҳақида нотариал ва кадастр идораларига розилик хати юборган.

ФК 237-моддасининг биринчи қисмига кўра, мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

ФК 238-моддасининг биринчи қисмига кўра, мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Тафтиш инстанцияси дастлабки шартнома расмийлаштирилган бўлсада, тарафлар ўртасида бир йил ичида асосий шартнома тузилмаганлиги, даъвогар уни тузиш бўйича учинчи шахсга ёзма таклиф юбормаганлиги, ўз навбатида суд тартибида мажбурий тартибда шартнома тузиш чоралари кўрилмаганлиги, аксинча, орадан қарийб 2,5 йил ўтиб дастлабки шартнома мажбуриятлари бекор бўлгандан сўнг, мазкур даъво билан судга мурожаат қилганлиги асос қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этган.

Бироқ, мазкур ҳолатда даъвогар ўзининг мажбуриятини белгиланган муддатда ва лозим даражада бажарган. Жавобгар даъвогар томонидан тўланган пулларни қайтариб бермаган. Аксинча, қарздорнинг кредит тўловларидан бўлган қарзини қоплашга қаратган. Жавобгар ўзининг бу ҳаракати билан битимни ижрога қабул қилганлигидан далолат берувчи ҳаракатлар қилган.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 7 октябрдаги қарори билан тафтиш инстанциясининг қарори бекор қилиниб, биринчи ва апелляция инстанциясининг суд қарорлари ўз кучида қолдирилган.

4-1001-2526/9345-сонли иш

Агар қонун ҳужжатларида қурилиш пудрати шартномаси фақат электрон дўкон, танлов, тендер, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари натижалари асосида тузилиши назарда тутилган бўлиб, шартнома савдолар ўтказилмасдан тузилган бўлса, бундай битим ФКнинг 116-моддасига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Адлия бўлими (бундан буён матнда адлия бўлими деб юритилади) хусусий корхона (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, туман тиббиёт бирлашмаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 64 000 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 18 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 57 124 181 сўм қарздорлик ундирилиши белгиланган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг 2025 йил 27 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2024 йил 18 октябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанцияси судининг 2025 йил 18 сентябрдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2023 йил 10 мартда тузилган шартномага мувофиқ, туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида жорий таъмирлаш ишларини бажариш, жавобгар эса бажарилган ишлар учун даъвогарга ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 33-бандида шартнома рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга кириши белгиланган.

Бироқ, мазкур шартнома танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича тузилмаган. Шунингдек, ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2016 йил 23 декабрдаги 306-сонли қарорининг 4-бандида агар қонун ҳужжатларида қурилиш пудрати шартномаси фақат электрон дўкон, танлов, тендер, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари натижалари асосида тузилиши назарда тутилган бўлиб, шартнома савдолар ўтказилмасдан тузилган бўлса, бундай битим ФКнинг 116-моддасига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолатда шартнома нафақат ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтмаган, балки, давлат харидлари тартиб-таомиллари риоя қилинмасдан тузилган.

Мазкур ҳолат эса тузилган шартномани ФКнинг 116-моддасига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Бироқ, судлар қайд этилганларни инобатга олмасдан, яъни ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартнома бўйича ундириш сўралган даъвони қаноатлантириб, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган ҳолда қарорлар қабул қилган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 16 декабрдаги қарори билан қуйи инстанция судининг қарорлари бекор қилиниб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

4-1601-2403/6025-сонли иш

**Иқтисодий ишлар бўйича
судлов ҳайъати**